

ТОШКЕНТ

Оқшомчи

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 250 (6. 739)



1988 йил 1 ноябрь, сешанба

Баҳоси 3 тийин

Совет Иттифоқи граждандлари! Табиатни ҳимоя қилингиз, атроф-муҳитини муҳофаза қилишда иштирок этингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

© Ленин комсомолнинг 70 йиллиги кунин КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев Москвадаги ёшлар саройида пойтахт ёшлари билан учрашди. Учрашувда ўртоқ М. С. Горбачев ёшларга қарата нутқ сўзлади.

Бугун тонгги газеталарда ана шу учрашув ҳақида ҳисобот ва ўртоқ М. С. Горбачевнинг нутқи эълон қилинган.

© «Правда» газетасининг олтинчи саҳифасидаги «Акцентсиз овоз» сарлавҳали мақолада Москвада таълим олаётган америкалик студентларнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

© «Совет Ўзбекистони» газетасида 1988 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон ССР-нинг социал-иқтисодий ривожланиш тўғрисида Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитетининг ахбороти босилган.

© Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар эълон қилинган.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

БИЗ СЕНГА ИШОНАМИЗ, СЕКРЕТАРЬ!

«СИГНАЛ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОММУНИСТЛАРИ ЎЗЛАРИНИНГ ЯНГИ ЕТАКЧИЛАРИ ШУКРИТДИН ПАХРУТДИНОВГА ШУНДАЙ ДЕДИЛАР.

Бирлашма коммунистларнинг қарорлари қатъий эди: бизга Шукритдин Илёсовичдан бошқа партиом секретари керак эмас. Акмал Иброқов район партия комитетининг биринчи секретари Т. Х. Хайдаров уларнинг илтимосин бажаришга ваъда берди. Энг тўғри йўл ҳам шу бўлса керак. Чунки, у райком инструктори сифатида ишончли оқлаётди, ма-саладан ҳал қилишда иккиланмади — дедиллик кўрсатади.

Шукритдин Илёсович райком топириғи билан бирлашма бошланғич партия ташкилотлари фаолиятларини ўрганди, одамларнинг дардларига қўлоқ солди, саволларга жавоб берди.

— Ўртоқ Пахрутдинов, — деди ишчилардан бири, — биз сизни ўзимизга секретарь қилиб сайлаймиз. Ҳаммамиз шундай қарорга келганмиз.

— Ахир, қачонгача ўртамиёна бўлиб юрамиз? Биз ҳам илгорлар қаторида кўйрак кериб ўтиргимиз келади.

— Бизга муваффақият, етуклик йўлига бошлайдиган етакчи керак...

Шукритдин Илёсович бир томондан одамларнинг меҳр-оқибати, ишончларини кўриб қувонса, иккинчи томондан ташвишга тушарди. Шунча одам бугун сенга ишониб, икки оқибат тўғрисида, эртага ишни эпловмай қолсанг нима бўлади? Ахир, «Сигнала» кичкина коллектив эмас, 9 та бошланғич цех партия ташкилотли, 13 та партия группаси, 170 дан зиёд коммунисти бор.

— Биргалашиб ишлаймиз, биргалашиб илгорлик йўлларини кидирамиз.

Райком инструкторининг бу сўзлари кишилар кўнглида умид чироқларини алангалатди...

Тўғрисиини айтиш керак, бирлашманинг шухрати бутун мамлакатга кетган эди. Коллектив Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон касба соҳалари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСС Марказий Комитети кўчма Қизил Байроғини икки марта қўлга киритиб, пешқадамлар сифидан ўрин олганди. Шунингдек, икки коллектив Улуғ Октябрь 70 йиллигида Бағишлаган Бутуниттифок мусобақасида гольб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Фабриқ ёлғиз» билан тақдирланди. Радикомонтажчи П. Н. Чекунов, район партия комитети бюроси аъзоси, механиклар бригадаси бошлиғи В. П. Ризай сизгари ишлаб чиқариш илгорларига «Яхши мутахассис» нишонлари, «Фабриқ ёлғиз» билан тақдирланди. Хуллас, гольбчи шохсўпасида турган бирлашма бирдан кўз «тегди»: йўл қўйилган кичкинагина камчили йирикларини бошлаб келди, ишчи-хизматчилар эски шухратлари, омадларини худди тушда кўргандек эслашарди.

Яхшиин, рақамларни «гапига солаётди», ҳулосани эса ўзингиз қарасиз. Утган йили сарфланган 1 сўм сўмга 1,7 сўм иқтисодий савона олинган эди. Бу йил эса фойда бир сўмга ҳам етмади. Қайта қуриш, жаддалаштириш ҳақида кайта-кайта гап бораётган бир пайтда бу ерда мавзуд техникадан унумли фойдаланишда ишчилар қилишмоқда. Техниканинг йилдан-йилга қувватини ошириб турмасангиз, муваффақият ҳақида ўйламай ҳам қўя қолган. Агар металлнинг плазма ёрдамида кескиш, янги техник жарвайларга химиявий ишлов бериш лабораторияси, ўлчов асбоблари тайёрлаш участкаси фойдаланишга топширилганда планларин бажаришда қулай имкониятлар яратиларди. «ВХС-2» асбобини ишлаб чиқаришдан олиб ташлашга тўғри келди. Бошқа техника воситаларини ўзлаштиришда ё малака етишмаяпти ёки ўзибўларчилик кайфияти кучи сурмоқда. Нима бўлганда ҳам ҳулоса битта: олдинга эмас, орқага қадам ташланмоқда. Буни буюмларнинг сифати ва пухталигига билдирилаётган эътирозлардан ҳам сезиш мумкин.

Махсулот ишлаб чиқариш ва топширишда ягона маром йўл: у тавозил палласидек ўйнаб турбиди. Хали ҳам директор ёки бош инженер аралашувларини иш битмайдил. Бригада, цех шох-шухрати учун астойдил кураш бўлмагандан кейин самарали яқун қутиш мумкинми? Шу йилнинг май — август ойлариде ишлаб чиқариш планларин бербод бўлди. Бу эса ўз навбатида реализациядан келаётган фойдани йўққа чиқарди.

«Сигнал» ўз-ўзини маблаг билан таъминлаш усулига ўтган эди. Дастлаб ҳаёлий фойдаланмадларини хомшўт қилишди, кўнжи пуч ёнроққа тўлиб кетди. Оқибат шу бўлдики, ҳўжалик ҳисоби бригада, цех миқёсида қотиб қолди, бутун бирлашмани ҳақ тўлашининг янги системасига ўтказиш ҳамон қороздан нарга силжияпти. Бирлашма қанон давлат қабул-лига ўтади — номалум. Коллектив ва ижа-

ра пудратини жорий этиш ҳақида фақат гап-сўз бор, холос.

М. С. Горбачев фан-техника тараққиётини жаддалаштириш масалаларини юзасидан КПСС Марказий Комитетиде бўлиб ўтган кенгашда шундай деган эди: «Партиявий иш ҳамма ўзгариларининг ҳал қилувчи омили — ишон омилига бевосита таваллуқидир. Шу нукта назардан қараганда, иккундан то кўйи бўғин-гача кадрларнинг фикр-ўйлари ва кайфиятлариде ўзгартиш қилиш, уларнинг бутун диққат эътиборини энг муҳим нарсаси — фан-техника тараққиётига қаратиш партиявий ишнинг бош йўналишидир».

Бирлашма партия комитети худди ана шу йўналишини бир изге соломлади, камчиликлари тугатиш чораларини топилади, коммунистларга қозий тавсир ўтказолмади. Шу босқидан Зайтуна Зокирова, Ольга Чернавскаялар коммунистликка номуносив деб топилилар, аттестация пайтида 48 коммунистдан 6 нафари шартли аттестациядан ўтказилди. Анатолий Ефимов партия сифидан ўчирилди. Д. Горбановский, А. Шермухамедов, Л. Сунароков, Т. Абдуллабоев, Х. Холмуродовлар бир неча ойдан бери аъзолик бадалларини тўлашмайди. Партиявий интизомнинг ниҳоятда бўшашиб кетганлигини шундан ҳам билиш мумкин.

Яқинде бирлашма партия комитетиде ҳисобот-сайлов йиллишин бўлиб ўтди. Гапни чўзамасдан, коммунистларга сўз берақолайлик: Е. Н. Сачалин (бригада бошлиғи): Бизда кадрлар кўнимисизлиги, партиявий топшириклари бажариш, назоратчилар, техника хавфсизлиги ҳақида мусобақа яқунларига эътибор қўй. Партия комитети тоқошабин бўлиб қолган.

И. Т. Соколов (бирлашма бош директори): Ишлаб чиқаришда сийсий раҳбарлик сезилмаяпти, қарорлар қозғоқда қолиб кетмоқда. Парком секретарининг қатъий чора-тадбирлар қўллаганлигини, интизомсиз коммунистларга партиявий жазо берганлигини эслоп-майман.

А. И. Султонов (бош директор ўринбосари): Ўртоқлар, ҳали ҳам бизда сил-басил-басил гапирини, андиша кучли. Ўз обьектига болта урадиган бундай андишалардан қанон қутилмайми? Рази солиб ўтирибман: сўзга чиққанлар парком секретарининг қоникерсиз ишлаганлигини таъкидлашадик, унинг фаолиятини «қоникерли» деб минбардан тушиб кетишмоқда. Нега очик айтмай-сизлар? Ахир, бизда сийсий-партиявий тавсир унуман йўқолиб кетди-ку! Айрим коммунистлар хатто оддий партиявий одобин ҳам унутиб қўйишган, ҳамон бақирчи-қирчиқлар билан йилгишлар ўтказамиз. Ошқоралик, демократияни ўрганиб, амалда қўллаш пайти келди.

Ҳисобот-сайлов йиллишинда район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. Х. Хайдаров сўзга чиқди.

«Сигнальнинг эски шухратига ишониб, назоратни бўшаштириб қўйибмиз, — очик тан олади секретари. — Қарангки, ўзибўларчилик ҳозирги йилгишдан ҳам сезилиб турибди. Ахирги йил коммунист сўзга чиқди. Холбуки, коммунистларнинг 40 проценти ишчи. Қани улур, нима учун сўзга чиқмайдилар? Бунинг сабабини ҳамма билиб турибди: парком секретарига ишонмай қўйишган, коммунистлар муваффақиятсизликлари олдида каловлаиб қолшган.

Райкомнинг биринчи секретари партия комитети секретарлигига номзоди қўйилган Ш. И. Пахрутдинов ҳақида илқ гаплар айтди, унга ишонч билдирди.

— Мен ўшанда бош директор ўринбосари эдим, — деди сўзга чиқиб бўлим бошлиғи Б. Е. Гирфокс, — нимакам бўлимо, тайёр махсулотларини жўнатишга транспорт топилайди қолди. Шунде райкомга Шукритдин Илёсовичга телефон қилдим. У ёрдан берди. Холбуки, баъзан бундай илқмослар билан министр муовинига сиз қорқадик. Мен у парком секретари вазифасини виждонан бажаради, деб ишонаман.

Шундай қилиб, Ш. И. Пахрутдинов «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретарлигига сайланди.

Бирлашма коммунистлари бир овоздан: «Ўртоқ секретари, биз сенга ишонамиз», дейишди.

Шукритдин Илёсович зиммасига жуда катта масъулият юкланганини сезди. Бизнингча, янги секретарга осон бўлмайди. У партиявий ишларни қайта тиклаши, ҳар бир коммунист ва партиясизнинг қалбига кириб бориши керак.

Аслини олганда коммунист қийинчиликларда тобланади.

Х. ЖУМАНАЗАРОВ, СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайловлар ўтказган округ сайлов комиссияларининг АХБОРОТИ

1988 йил 30 октябрь, яшашбана кунин айрим сайлов округларида ўрни бўшаган депутатлар ўрнига халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатларининг сайловлари бўлиб ўтди.

Округ сайлов комиссиялари сайлов округлари бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига бўлиб

Ўтган сайловларга яқун ясадилар.

251-сайлов округи (Октябрь райони) бўйича Рихси Екубовна Махсудова ва Насиба Шокирова Тошхўжаева рўйхатга олинган эдилар.

Сайловларда округдати жами сайловчиларнинг 98,03 проценти иштирок этди.

Тошкент шаҳар Совети депутати этиб округ сайловчиларининг 73,1 процент овозини тўплаган Тошкент бадини буюмлар касана-чилик фабрикаси дўппи тикиш цехининг бригадирини Насиба

Шокирова Тошхўжаева сайланди.

333-сайлов округи (Сергели райони) бўйича Люза Зокировна Зарипова ва Вячеслав Васильевич Петрунин рўйхатга олинган эдилар.

Сайловларда округ жами сайловчиларининг 88,68 проценти иштирок этди.

Тошкент шаҳар Совети депутати этиб сайловчиларининг 71,81 проценти овозини тўплаган Тошкент электр механика заводи 9-цехининг фрезерчиси Вячеслав Васильевич Петрунин сайланди.

Улуғ Октябрь шарафига ЗАМОНДОШИМИЗ



Ишчининг бахт йўли

Инсон болаликдан меҳнатга ўргандими, умр бўйи унга аъзолаб ўтади, топанг нонини ҳалоллаб ейди, қилаётган ишидан фахрланади.

Рашида болалик йилларини эслаганида шулар ҳақида кўп ўйлайди. Ишчи бўлиш осон эмаслигини ҳис этади. Ешлгинда онла аъзолари ун меҳнатга ўргатишгандан миннатдор бўлади.

— Қиз бола ҳаракатчан, сергайрат бўлгани маъқул, деб ўнг беришарди ундагилар. — Ўқиндан бўш пайтларинг бироқ иш билан машғул бўл. Йўқса, ҳамма қўп-гилсизликлар бекорчиликдан келиб чиқади.

У катталар айтганини икки қилмади. Овқат тайёрлашни ўрганди, уйлари озода тутишга ҳаракат қилди, катталар тили билан айтганда «чаққон қиз» бўлиб етишди.

Шаҳримиздаги 48-ўрта мактабин тугатгач, ҳужжатларини кўтариб Тошкент мебель фабрикасига борди.

— Нима иш қилмоқчисин, — сўради кадрлар бўлимида. — Мўлажаллаб қўйганингни борми?

— Йўқ, — деди Рашида. — Фақат ўзимга муносиб бўлса дегандим. Шоғирд тушсам ўша ишни тезда ўрганиб кетардим.

Уни тажрибали ишчи Л. Н. Буравкинага бириктириб қўйишди. Ўстоз-шоғирд биринчи кунданоя тил топишишди.

Безақчилик касби мураккаб, — деди Лидия Николаевна. — Биров тез, бошқаси секин ўрганади уни. Кўри-нишдан тез эплаб кетасан. Фақат қўнт қил. Сен ишлаб чиқарган махсулот кишининг завқини келтирсин. Мендан кетгунча қабилида иш тутма. Бу билан илгор бў-лолмайсан, раҳмат ҳам ололмайсан.

Ўйлаб кўрса, шу гапларга ҳам ўн тўрт йилдан ошибди. Рашида Манасипова келганида шоғирд эди, энди ўзи мураббий. Ишлаб чиқариш илгори, коллектив фахри даражасига етди.

— «Замондошимизга Манасипова муносиб, — дейишди коллектив раҳбарлари ва ҳамкасблари. — Иш-ни ўрнига қўйгандан кейин чиқсин-да. Лекин бундай пешқадамлар бизда оз эмас.

Дарвоқе, бироқ кишининг меҳнатини сўз билан тақдирлайдиган бўлмас «пешқадам» деймиз. Аммо пешқадам бўлиш осон эмаслигини кўпда ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Бу сўзининг маънисини, унинг қадрига ҳақиқий ишчи етади.

Рашида унинг масъулиятини яхши тушунади. Масъулиятни ҳис этиб иш юритадиган одам эса ҳеч кам бўлмайди.

Р. МУҲАМЕДОВ.

© СУРАТДА: Рашида Манасипова.

Планга қўшимча

© Тошкент механика ремонт заводи ҳам ўн иккинчи беш йиллигининг учинчи йилида анча муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Коллектив учинчи квартал бўйича планларини ошири билан адо этди. Жумладан, шартнома бўйича мажбуриятларини 100 процента бажарди. Микроларга 2 миллион 835 минг сўмлик махсулот етказиб берилди. Товар махсулотлар плани ҳам ошири билан 108,7 процент бажарилди. Улар 3 миллион 660 минг сўм ўрнига 3 миллион 980 минг сўмлик товар махсулоти ишлаб чиқардилар.

Корхонада халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Улар бу соҳадаги планини ҳам 102,3 процента адо этдилар. Шу уч ой ичиде корхонада 43 минг сўм ўрнига 44 минг сўмлик кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Г. ЮСУПОВ.

Об-ҳаво ва саломатлик

1 ноябрдан 6 ноябргача

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра шу ҳафта-нинг бошланишида ва ҳафта охирида Ўзбекистонда ҳаво бўлутли бўлади. Айрим жойларда ёмғир ёғади, ғарбдан секундига 9—14 метр тезликда шамол эсади. Ҳафтанинг ўрталарида ҳаво очик бўлади. Ҳафта мобайнида ҳарорат кенаси 2—7 даражадан 6—11 даражача, кундузи 10—15 даражадан 18—23 даражача ўзгариб туради. Ўртача ҳарорат кўп йиллик нормага яқин бўлади.

Н. А. Семашко номидеги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти ме-дик об-ҳаво маълумотлари ва метеопрофилактика маркази мутахассисларининг фикрига қараганда, шу ҳафтада об-ҳавонинг ноҳуш келиши, атмосфера жараёнларининг ўзгариб туриши, оsonда булут қўпайиб, ёғингарчилик бўлиши, босимнинг ўзгариб туриши кутилади.

Бундай об-ҳаво спастик реакцияларга мойил беморларнинг кайфиятига салбий таъсир этиши мумкин. Айниқса у юракнинг ишемик хасталиги, қон босими, бош-миа қон томирлари ва яллиғланиш хасталиклари, ўпка ва бўғин хасталиклари бўлган беморларга таъсир этади. Шу тоифадаги беморларга профилак-тика тарихисда врачлар кўрсатмаларига амал қилиш, ҳаддан ташқари жисмоний зўриқмаслик ва асбийлашмас-лик тавсия этилади.

Пахтакорга мададкормиз



«Оқ олтин» — Ватанга!

Республика об-ластларида пахта тайёрлашининг бориш тўғрисида

шу йил 31 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобиде)

ТОШКЕНТ	0,43	106,86
ХОРАЗМ	0,47	106,12
БУХОРО	0,98	105,45
ҚАШҚАДАРҒА	0,65	101,97
ҚАСССР	0,83	95,99
Сирдарё	0,85	94,22
Сурхондарё	1,00	93,57
Фарғона	0,78	90,44
Наманган	0,86	90,08
Самарқанд	1,33	80,51
Андижон	0,67	70,29

Республика бўйича: 0,82 93,09



СУРАТЛАРДА: Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг студентлари Сирдарё об-ластин пахтазорларида. Институтнинг оловқелб ёшлари эзгу ният йўлида меҳнат қилмоқдалар.

Т. Каримов фотолари.

Соғлом аёл ва бардам бола

© Бугун Тошкентда республика педиатрларининг III съезди очилди. Мазкур анжуманда гулдаклар соғлигини муҳофизат қилиш, даволаш ва профилактика ишлари сифати яхшилаш масалалари кўриб чиқилади. Қўйдаги ма- колада шу ҳақда сўз боради.

Халқимизда аjoyиб нақл бор: она билан бола — гул би- лан поля. Шу маънони медицина нуқтаи назаридан айтганда, она қанча соғлом-бардам бўлса, унинг фарзанди ҳам шунча соғ- саломат ва тетик-бардам бўлади.

Оналар ва болалар сикат-саюматлигини муҳофизат қилиш ҳозирги кунда педиатр-врачлар олдинга муҳим вазифа қилиб қўйилган. Бу борада Коммунистик партиямиз ва Совет ҳуку- матимиз чексиз ғамхўрликлар кўрсатиб, барча зарурий шарт-шароитларни яратиб бермоқдалар.

Болаларга хизмат кўрсатиш учун болалар консултация- лари, болалар касалхонаси, поликлиникалари, яслилар, пионер лагерлари, пионер саройлари, болалар уйлари ва махсус санитарийлар ишлаб турибди. Болалар ўртасида юқумли ка- салликлар сўнгги йилларда анча камайди, баъзи хасталиклар деярли барҳам топди. Лекин сариқ касаллиги ва ошқозон- чиқма хасталикларини ҳали ҳам тарқалиб, шифокорлар олдига муаммо бўлиб турибди.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, кўпгина юқумли касалликларнинг кечиниши — бу, ўлкамизда тубдан социал қайта қуриштирилган мамлакат эконоимиксининг ўсиши, аҳоли маънавий ва маданий даражасининг умумий равишида ошиб бориши, санитария маданияти ошмиши натижасидир. Бизнинг республикамизда болалар поликлиникаларида ва касалхона- ларида 10 мингдан зиёд педиатр-врачлар болалар соғлигини муҳофизат қилишди. Ҳар бир поликлиникада ёки консульта- циялар қосида оналар мактаби бор. Бу ерда улар фарзанд парваршиш ва тарбияси ҳақида билим-маълумот оладилар. Бола туғруқхонадан чиқиб биланок болалар консултация- сининг врачлари уларнинг соғлигини давом эттириб олиб турадилар. Мабоодо она билан бола касал бўлиб қолгудек бўлса, касал- хона ва санитарийларга ётқизилди, уларга маалакали меди- цина ёрдами кўрсатилди. Ҳозирги пайтда республикамизда- да болалар касалхоналарида оналарни даволаш учун алоҳи- да бўлимлар ишлаб турибди. Шундай бўлимлардан бири Тошкент медицина институтининг болалар клиникасида та- шкил этилган бўлиб, шу кунгача бу ерда 10 мингдан зиёд она шифо топди.

Бола оламга келиб ривожланишидан тортиб, бутун умр мобайнида саломат бўлиши кўп жикатдан онанинг соғлигига, ҳомиладорлигининг яхши кечишига ва боланинг туғилиш ҳола- тида боқилди. Болалар турли юқумли ва шомоллаш касал- ликлари билан оғирмаслигини учун кўриладиган тадбирларни онанинг ҳомиладорлик давридан бошлаш керак. Ҳомиладор- лар аёллар консултациясига иложи борича барвақт учра- шишлари керак. Ҳомиладор аёл арач назорати остига қанча барвақт олинка, ҳомиладорлик муддати шунчалки аниқ бел- гиланади. Ҳомиладор аёл [16 ҳафтадан сўнг] тунда навбатчи- лик қилишдан, оғир жисмоний меҳнатдан, қўшимча ишдан озод этилади. Бундан ташқари ҳомиладор аёл арач кўриги- дан ўтади.

Кўпгина аёллар ҳомиладорлик пайтларида одатдагича ҳаёт кечираверадилар, бу нотўғри. Ваҳоланки, она бўлиши аёл ўз соғлиги ҳақида жуда ғамхўрлик қилиши, зиярак бў- лиши лозим. У ҳар кун ўз вақтида сифатли овқатланиш, шахсий гигиена қондаларига риоя қилиши, вақтида ушлаш, кўнгил хотиржам бўлиши, йта тоқилмаслиги керак. Ҳомила- дор аёл ўзи яшайдиган уйни содот тутиши, уйни ҳар кун хўлланган латта билан урилиш, шомоллатиб ҳавонга тозалаш туриши керак. Ҳомиладор аёл сўт безларини ҳам эмизмиш учун махсус таёйрлаш лозим: эмизмишга тайёр бўлмаган кўкрак учун шикастланади, шу ёриқлар орқали микроблар кирдири қи ва натижада кўкрак бези яллиғланади, оқибатда болани эмизмиш қийин бўлиб қолади. Ҳомиладор аёл оғиз бўлишнинг озода тутиши, оғрик тишларни даволатишни ёки зарур бўлса уларни олдириб ташлаш лозим, чунки бузилган ўшлар туққандан кейинги даврда ҳам болада касаллик пайдо қилувчи манбага айланиши мумкин. Ҳомиладор аёл чекмаслиги, спиртни ичмилликларни асло истеълоқ қилмаслиги керак. Аёлда ҳаёбат пайдо бўлганда наҳорат қилиш, олхўри ва сабзавот ейиши тавсия этилади. Овқатини эса қамда, ҳар кун уч маҳал: ношута, тушлик қилиш ва ухладан бир-икки соат олдин енгил овқат ейиш шарт. Ҳомиладор аёлнинг ов- қати витаминларга бой бўлиши лозим.

Бола билан она организмни ўртасидаги алоқа, бола туғил- гандан кейин ҳам боланинг она сўти билан овқатланишида давом этади. Ҳудуднинг соғлигини сақлаш, муштаҳиллаш, унинг соғлом, бакуват бўлиб ўсиши учун уйда қулай шароит яратиш керак. Туққан аёл келгунга қадар уйни йиғиртириб саранжом-саришта, озода қилиб қўйиш керак. Биринчи уч кун ичда онанинг факат болага қараш учун ҳамма шароит- ларини яратиб бериш зарур, рўзгор ишлари билан бошқа одам шугулланиши лозим.

Эмизмиш она, айниқса, умумий ва шахсий гигиена қон- даларига пухта амал қилиши, рацонал овқатланиши ҳамда уйку режимида риоя қилиши керак. Болани чўмилтиришга арач руҳсат берган бўлса, уни чўмилтириб, йўракларини алмаштириш лозим. Чақалоқ ётадиган хона ҳавосини ҳар кун бир неча марта янгилаб туриш керак. Эмизмиш кун тартибига риоя қилиши лозим. Кечаси онанинг ўқиб-сузи бузи- либ туради, шу сабабли у кундази, албатта бир-бир ярим соат ухлаб олиши зарур. Оқиб ҳавода сайр қилиш она учун ҳам, бола учун ҳам фойдали. Эмизмиш онанинг овқати сўтининг тўла сифатини таъминлаш, шунингдек сўт кели- шини кўп вақтгача узоқ сақлаб туриши керак. Эмизмиш она ейдиган овқат етарли даражада ва хилма хил бўлиши шарт. Овқат тартибиде сабзавотлар, сўт, ёғ, пишлоқ, ғўш, туғум, твотор бўлиши керак.

Бола тарбияси — мураккаб ва машаққатли меҳнатдир. Бунда энг муҳим озодаланиш риоя қилиш, кундалик тартиб- ни бузмаслик, болани тўғри овқатлантириш ва касалликлар- дан муҳофизат қилишдир. Бола ётадиган хонада ортиқча ме- дебел, ғилла, турли буюмлар, қўшчалар бўлмаслиги керак, алтерни булар ҳаммаси касаллик манбага айланиши, боланинг аёлнинг касаллигини сабаб бўлиши мумкин. Бола хона- сининг ҳарорати 18—20 даража бўлиши айна мудадо. Бола- нинг кў каравоти бўлиши, ёстиги текис ва қаттиқ бўлиши керак. Унинг кийимларини бошқалар кийимидан алоҳида сақ- лаш зарур. Уларни: ахшлалб ювиш, қайнатиш, дазмоллаш керак, лекин синига солмаслик ва крахмаллашмас лозим. Бола билан муносабатда бўлган кишининг кийими покиза, қўл совунаб ювган бўлиши керак. Бола терисини пар- варшилаш, тўта тутиш катта аҳамиятга эга. Зеро, тери ҳамоя қатлами ҳисобланади. Бола терисининг совиб кетиши ёки ҳаддан ташқари исб кетиши шомоллаш касаллигига сабаб бўлади.

Бола ётан хонада папирос чекми, кир ювиш, кийимнинг чангини тозалаш мумкин эмас. Хонани ҳар кун суприб- сидириб, чангларини артиб, ахшлалб шомоллатиш керак. Бола кундази ухлаганда форточани очиб қўйиш, бунда боланинг ўстиши ахшлалб бериктиб қўйиш лозим. Болани очиб ҳавода сайр қилдириши тўғри ташкил этиш мумкин. Уни совуқ муҳит таъсиридан сақлаш керак, чунки бундай муҳитнинг таъсири боланинг шомоллашга сабабчи бўлади. Айниқса, куз ва қиш фаслида болани шомоллашдан эхтнёт- лаш лозим. Бола билан узоқ сафарга чиқиш ва кўпчилик- нинг орасида бўлиш болага салбий таъсир кўрсади.

Бола организмни ёши катта одамнинг организмидан сақ- ланиш режими билан катта фарқ қилади. Муайян вақтда ов- қатланишга одатланган боланинг шикхаси ахши бўлади. Чоқалоқ биланлган соатда, яъни бир суткада 6— марта эмизмиш керак. Бунда кечаси соат 12 дан эрталабик соат 6 гача эмизмилайди, шунда бола овқатлантириш режимида жуда тез ўрганади ва белгиланган соатда уйғонади. Бола 2 ойлик бўлгунда қадар суткасида етти марта, ҳар уч соатда демизмиш керак. Чақалоқларга бир ярим-икки оғилдан, мева ва сабзавот шарбатлари бериб туриш зарур. Мева- ларни кун бузмаслигини учун болаларга шарбатларни дастав- вал 3—5 томлидан бера бошлаш, сўнгра аста-секин қўлай- тириб, ярим чой қошиқча ва бир чой қошиқчага етказиш керак. Болага 4—4,5 ойликдан, мабоодо сўний овқатланти- рилаётган бўлса, 3 ойликдан бошлаб кун ора туғум, сарни- нинг тўртдан бир қисминин, сўнгра яримкисини эмиб едир- тиш керак. Бола бош-олти ойлик бўлган, унга қўшимча овқат бера бошлаш мумкин, чунки она сўтидаги темир, кальций ва фосфор тузлари боланинг ривожланиши учун етмай қо- лади.

Болани турли юқумли касалликлардан муҳофизат қилиш, шомоллатиб қўймаслиги, очиб ҳавода, мўътадил сувда, қуёш- ли кунларда, иссиқ-совуқда чинқиртириш унинг соғлом, тетик ва бардам бўлиб ўсишини тўғри таъминлайди.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВ,

Токент Давлат медицина институтини болалар касаллик- лари кафедрасининг мудир, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профес- сор.

М. СОЛИХОВА,

медицина фанлари кандидати.

1988 йил 1 ноябрь

ШАҲРИМИЗ аҳолиси томорқа участкаларида, кўча ёқаларида ва хиббон- ларда олма, бея, ўрик, нок, олхўри, олча, ғилос, жийда, йирик мевали тоғол- ча (олхўри билан тоғолча- нинг дуррағайи) ва узум кў- чаларини кўплаб ўтказиш- моқда.

Ҳамшаҳарларимиз жийда- нинг йирик формали на- вларини ҳам қўлайтиришга киришди.

Кейинги йилларда томор- қа участкаларида ва кўча- ларда кўраки узум кўча- лари экялиб, уларни баланд сўрга кўтариб ўстириш одат тусига кириб қолди. Бу табиий. Ўзбекистон ша- роитида узумнинг эртаги, ўртаги ва кечки ўсимтой навлари ахши ўсади, ҳар йил мўл ҳосил беради. Баланд сўргада ўстирилган бир тул тоқдан 200—300 килограммгача, ҳатто ундан ҳам кўпроқ ҳосил олиш мумкин.

Баланд сўргада ўстирил- ган тоқларда узум бошлари бўлиқ, ғужумлари рангдор, ширадор ва ғўзал бўлиб етилади, тоқ новдалари кўш нурдан жигаррангга кириб, чинқиб пишиб-ети- лади. Шунинг учун томор- қаларда тоқни баланд сўри- ларга кўтариб ўстиришга катта аҳамият бериш керак. Бугунда қилинган соҳиб- қор-ҳаваскорларнинг тажри- баларидан тўлиқ фойдала- ниш керак.

Бундай яхши тажрибалар- ни Кўлча, Бешқайр- ағач массиви, Янги- обод, Ишчилар шаҳарчаси ва бошқа жойларда уратиб мумкин. Кўнчилик ерларда кўчадаги ариқлар ёнига 2,5 —3 метр масофасида пушти тоғи, ҳасили, келинбар- моқ, нингиз, октир, тоғ узум, қора кишиқ, сурхак

қизиб тупроққа ёки ҳашак- лар билан ўраб қўйиш ло- зим. Тоқ туяларини қир- қида 15—20 процент ор- тичқа куртақлар қолдириб кеслади. Сўрилларда ўсти- рилган тоқ туяларда 400—500 тагача кўз қолдириб кеслади. Тоқнинг пастки ала ўрта қисмида новдалар 6—8—10—12 қўзлик қилиб

қолдирилади. Ҳар икки ҳо- силли узум наваларининг пастки қисмида 2—3 қўзлик калта бир ўринбосар новда- га қолдирилади. Баланд сў- риларда ўстирилган тоқлар- нинг новдаларини узунроқ кеслади. Ҳар бир ҳосилли новдада 20 тагача кўз қол- дириб кесиб мумкин. Мақ- сад шундаки, ҳосил олиш учун қолдириладиган нов- даларнинг йўғонлиги 8—12 миллиметрдан кам бўлмас- дан, улар ахши чинқиб пишган бўлиши шарт.

Тоқлардан кўчат ешти- риш учун қаламчалар тайёр- лаш мумкин. Қаламча ахши пишган бир йиллик новда- лардан тайёрланади. Қалам-

Сарлаҳадан ҳам пайқанган бўлсангиз керак, суҳбатимиз инсон учун табият ато этган энг муқаддас иншоотлардан бири—сув ҳақида. Зеро биз унинг таъ- риф-таъсифи хусусида бирон бир янги гап айтишдан ожизмиз. Қолаверса асо- сий мақсадимиз ҳам бу эмас, Биноба- рин, ажодларимиз тириклик манбаи бўлган оби ҳаётга азал-азалдан соф туй- гулар билан сажда қилиб келганлар. Қолаверса бобокалонларимиздан қол- ган «Олдиндан оққан сувнинг қадири йўқ» деган ҳикмат ҳам худди Бўзсув тўғрисида айтилгандай. Тошкентдек шаҳри азининг том маъноси билан тириклик бўлган Бўзсув ҳақида ўйла- ганмишда доно халқимизнинг ана шу машҳур сўзларини бот-бот ёдга олдик.

Неча асрлардан бери Чирчиқнинг кат- та бир ўзани кела-келгунча бўзланиб- бўзланиб Тошкентга Бўзсув бўлиб кириб қолади. Шаҳримизда у яна бир неча сўлим ироқларга бўлинади: Чуқурсой, Чуваланди—Қиңқирик; Сабзор, Тاختа- пулда—Қайқовсу; Урда, Бешоғочда— Анҳор; Қушбеги, Тенгистда— Салор, дўмбрободдан нарида— Қонқус... Яна аллақанча биз билган-билмаган номлар, ажиб атамалар. Неча минг йиллар шун- дай бўлиб келди. Лекин бундан буён шундай бўлармикин, фарзандларимизга биздан кейин нима қоларкин! Анҳор- лар кўринишдан фақат юқоридагига мавлиниб оқяпти ҳозир. Ҳар қандай совуққон кишини ҳам алангалатадиган жойи шундаки, пойтахтимиз «Олмос камарининг бағри тобора патос бой- лаб боряпти. Келинг, ахсиси гапни Бўз- сув ўзани, ироқлари қирғоғи бўйлаб қиладиган кўнглисиз савҳатимизни ҳам сал юқориқордан бошлайлик.

...Шиндад билан ишлаб турган Чирчиқ — Бўзсув энергетика сув тректидаги ГЭСлардан бири — Қодирия ГЭСи тўсатдан ишдан тўхтади. Нима учун! Биронта техник носозлик туйғайилми! Ёки агрегатлардан бири- да авария содир бўлдики! Афсуски унинг ҳам, буниси ҳам эмас. Мана бир неча йилдирки, бу каналдан сув тўлиб оқмаяпти. ГЭС тўғонини, қолаверса бу- туни ўзанини тоғна-тоғна ахлат босиб кетганлиги сабабли агрегатларнинг ҳара- кати қийинлашди. Машина ва механизм- ларга зўр келди. Шунинг учун ҳам Ор- жоникиде каскади маъмурияти ГЭСни тўхтатишга мажбур бўлди. Шу кунларда бутун канал узоқ тозалаш ишлари олиб бориляпти. Ваҳоланки, мана бир неча йилдирки Чирчиқдан бошлаб то Тошкен- гача бўлган бир неча километр оралиқ- да 17 та гидроэнергетика иншооти пой- тахт шаҳри ва облати халқ хўжалигига юз миллион қиловат-соат электр энер- гисини етказиб бермоқда.

Айниқса, кейинги йилларда хонадор- лар галлаштирилгандан сўнг каналга қичқидан ташлаш аёлди. Шох-шаба- ларни қўйвертиб, ўлган мол, қўй, эчки, мушугу товуқлардан тортиб эски холо- дилликни, кир ювиш машинаси, автомо- бил баллонлари, хаттоки қузовгача ка- налларни тўлдирди. 22 сентябрдан бери «Олмосводостройнинг» бўльдозер ва экскаваторлари ана шу чиқиндилар- ни тозалаяпти.

Агар рақамларга мурожаат етдиган бўлсак, факатгина Тошкент каскади ГЭСи ўзидagi ахлатларни тозалаб туриш учун кетган вақт мобайнида йилга 10 —11 миллион қиловат соат электр энергисини ишлаб чиқариш мумкин эди. Агарда бу рақамларни пулга (бир қиловат-соат энергисини 4 тийин деб олсак) қақадиган бўлсачи: 40—44 минг сўм! Демак, давлат йилга ўрта ҳисоб- да шунча кам даромад кўраркан. Бу —масаланинг бир томони. Илгарилари Бўзсувнинг сувини бемалол ҳовучлаб ичиш мумкин эди. Ҳозир-чи! Ҳатто қўл чайишга йўланиб қолсан киши, Чирчиқ шаҳрининг ўзидан чиқадиган сановат ва халқ хўжалиги ахлатларининг ўзи тошкентликлар учун ичимлик сув етказиб беришни муаммо қилиб қўймоқда.

Ҳозирча энергетиклар ўз кўчлари би- лан қўлларидан келганча каналларни чиқиндилардан тозалашяпти. Бироқ, нима учун Чирчиқ-Бўзсув трактининг асосий хўжалиғини бўлган сув хўжалиги давлат комитетигадаги масул ўроқлар оғизларига талқон солгандек сукут сақ- лашмоқда!

— Лекин масаланинг учинчи томони ҳам бор, — деди биз билан суҳбатда Қодирия ГЭСининг катта мастери Абду- қодир Полвонов. — Ҳар бир ГЭСнинг, каналнинг «зона оқуджидан» деб ата- лувчи, яъни бегоналларнинг кириши ёхуд фойдаланиши таъқиқланган мах- сус акретликлари территорияси бор. Би- роқ бизда негидар ҳеч ким бу чегара- ларни писанд етмайди. Канал бўйида яшо- чилар қўнғиллари, имани тусаса шунинг қилиб, қирқоқчага гоз билан ўраб ўз ҳовлиларига қўшиб олганлар ва дуч келган нарсани сувга ташлаверяпти.

Шу йил апрель ойида одатдагидек шенбалик ўтказилди, — деб хисла қи- лади Тошкент каскадидаги ГЭСлар бош

чаннинг узунлиги 40—45 сантиметр бўлиб, ҳар бир қаламчада 4—5 та яхши пишиб, шакланган кўз бў- лиши керак. Қаламчалар- нинг йўғонлиги 8—12 мил- лиметрдан кам бўлмаслиги керак. Тайёрланган қаламча- лар 25—50 тадан қилиб бойланади ва ҳар бир боғи- чага узум нави бағалар тах- талар бойланади ва 50—60 сантиметр чуқурликда ахши- лаб қўйиб қўйилади. Баҳор- да куртақлар бўртмасдан олиб керакли ерларга (қа- ламчаларнинг пастки қисми- да алоҳида бўртиқ пайдо қилиб) экилади ва кузга келганда уларни керакли ерларга олиб экилади.

Шу кунларда тоқ бар- ларини сунтий усулда ту- шириб юбориш учун бир процентли хлорат мағний суюқлиги сенилмоқда. Бир ҳафта нчда тоқ кўчатлари- даги барглрар секин-аста қовжирайди ва тўқилиб ке- тади. Нойбрь ойининг боши- гача новдалар жуда ахши пишиб қолади. Нойбрь ойи- нинг бошларида бундай тоқ кўчатларини қовлаб олиб экиш ёки келтуса йил ба- ҳорда экиш учун маълум ерларга қўйиб қўйиш мум- кин.

Кўчат экиш мавсуми ҳам бошланди. Ҳаво иссиқ бўлиб турганда, куз ва қиш фасл- ларида мева ва тоқ кўча- ларини томорқадаги участ- каларга ва йўл ёқаларига экиш мумкин.

Мирвоҳид СОБИРОВ, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

инженери Қаримжон Авазов.

— Пой- тахт аҳолиси эрта тонгдан бошлаб кўча ва хиббонларни, парк ва уй-жой мас- сивларини супуриб-сидириб тозалаш- ди. Кечга томон эса Тошкент каскади- даги ГЭСларда росмана тўполон бошлан- ди. Станцияларнинг тўғонларига дарехт шохлари, қавлаб олинадиган илдилар, тўнкалар, қўйинг-чи кун бўйи тўплан- ган ахлат оқиб кела бошлади. Чунки шенбаллик қатнашчилари қўнғиларига ни- макси илгинган бўлса ҳаммасини сува- га ташлаверяшган. Қисқаси ўша ку- ни ярим тунгача қоровулдан тортиб, директорга, ҳаммамиз тўғонларга йилган ахлатни қирқоқча чиқардик...

Бўстонлик, Чирчиқ, Қибрай, қўйингчи Оржоникиде райони қишлоқларида, Тошкент шаҳрининг сув бўйидаги ма- халлапарларда аҳвол бундан беш баттар. Баъзи одамлар ҳатто анҳорларни ҳам ўз ҳовлилари территориясига қўшиб олишган. Айниқса, кейинги 30 йил ичи- да каналнинг аҳоли кескин ёмонлашди. Ундаги сув оқими пасайиб, ёкини 20 процентга камайди. Агар шу кетишда бўлса ақин орада Тошкент, Чирчиқ

Бўзсув НЕГА Бўзлайди?

Ўзбекистон телевидениеси ва «Тошкент оқшоми» газетаси- нинг қўшма реиди

Оқ Салорим, шўх Салорим, Энди бўлса йўқ Салорим. [Айтилмаган қўшқидан].

шаҳрлари аҳолисининг маданий-маиший турмуши учунгина эмас, ҳатто ичини учун ҳам сув етказиб бериш катта му- аммо бўлиб қолади. Қодирия ГЭСи ма- селаси канални Бўзсувнинг эски ўзанига оқизиб ҳал этилди. Бироқ, 40 кило- метрга қўзилган Чирчиқнинг ўзанини, Тошкент шаҳрини ораляб ўтадиган бош- қа Анҳорларни қандай қилиб тозалаш керак! Агар Чирчиқ дароси тўсидиган бўлса, 2,5 миллион кишининг ичимлик нима бўлади! Мана, қарийб 20 йилдан бери бу саволларга жавоб топилаётди.

— Лекин бу муаммони ҳал этишнинг ягона ва оқилона йўли бор, — деди Чирчиқ каскадидаги ГЭСлар директори А. Турдиев. — Чирчиқ-Бўзсув тракти- нинг ифлосланмаслиги, ахлатлардан ҳо- ли бўлиши учун ҳамма бир ёқадан беш чиқариш керак. Биринчи наветбада ком- мунал хизмат мутасаддилари қим- сувоқларда ҳам, шаҳарда ҳам сув бўйига чиқиндилар ташланади, булар махсус идши қўйишлари керак.

Хўш, санхсспедциялар, санитария милициясининг иши нимадан иборат? — Сиз-ку нэзоратчиларни айтасиз,— деди бу саволга жавобан «Ўзбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси гидротех- ник хизмати бошлигининг ўринбосари Исмомил Турсунов. — Уша апрель тўла- ланган кейин бирлашмамизнинг мах- сус комиссияси Тошкент каскади ГЭСла- ринда текшириш ишларини олиб борди. Бўзсув, Шайхонтохур, Бўрижар, Окте- пе станциялари Анҳор каналининг 14 километрик оралиғида жойлашган.

Шундан бор-йўғи 4 километри ГЭСлар территориясига қиради. 10 километри эса сув хўжалиғи органларига, анкро- ги, сув хўжалиғи Давлат комитетига қа- райди. Тўғри, энергетиклар иложи бори- ча сувни тозалаб туришда, бошқа илож йўқ. Лекин унинг асосий хўжайини сув хўжалиғи Давлат комитети эса Анҳор- нинг кундан-кунга тобора кўпроқ иф- лосланиб бораётгани билан иши йўқ.

Кўчкандан, ундан сал наридаги Шо- фойзи [у ёрни «Почта бекети» деб ата- шади] деган жойдан Бўзсувнинг ана бир ироғи оқиб ўтади. Уни ҳам маҳаллий аҳоли Анҳор деб атади. Олтимкичи йилларнинг ўрталарида болаларнинг Ан- ҳор қирғоғидан бери келгилари келмас- ди. Ёзининг иссиқ кунларида мириқиб чў- миллар, сяде, тол дарехтлари сосида ўйнаб қулишарди. Сув айрилиқ оқадиган жойни Отиўмар дейишарди. Отиўмарга узоқ-узоқ жойлардан одамлар қўмилга- ни келишарди. Яқин атрофдаги маҳал- лалар, шу жумладан «Шарк» маҳал-

си аҳолиси ҳам ана шу Анҳор сувидан баҳраманд бўлардилар. Қўчалардаги ариқлардан сув шарқираб оқиб ётарди. Эрта баҳорда Анҳор бўйида ўсган бир туپ жийданинг муаттар иси бутун ма- халлани тўтарди.

Лекин ҳозирги кунда юқорида айтил- ган манзарадан асар ҳам қолмаган. Қарийб 10 йил олдин Анҳор қирғоқла- рига, тағига бетон ётқизилди. Отиўмар ҳам йўқ бўлиб кетди. Халгача уни Ан- ҳор деб аташса-да, аслида «Катта ариқ» дейиш тўғрирок бўларди. Илгари Анҳор тўлиб оқарди, ҳосир эса унинг ярмича сув оқими ҳам мўъжиза. Илгари анҳор- дан майда бўлсада балик қуттишарди. Ҳозир эса «балик борми!» деб сура- сангиз ҳамма «Эси жойндами бун!» дейиши мумкин. Аммо балик бўлганда ҳам ҳеч ким юрак ютиб сувга тушма- са керак. Негаки сув тағиданги шисе си- ниларни, консерва банкаларни, сим, те- мир парчалари обғингизни шикастлаш мумкин.

Мутахассисларнинг гувоҳлик бериш- ларича 1966 йилдөгў Тошкент политехни- ка институтининг доценти Иван Нико- лаевич Оранский бошчилигидаги олима- лар бутун Анҳор канали бўйлаб ҳибон- лар — яшил зона ташкил этишни тек- лиф этишган. Афсуски бу аjoyиб, юзат- фойдали голия эшитилган, амалга оши- радиган одам шу пайтгача топилмаган йўқ.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Орол деңизиз ва унинг теъаригидаги вазитини соғлом- лаштиришга бағишланган қарори муно- сабат билан республика партия ва ҳў- жалик активи йигилишида қабул қилин- ган резолюциянинг 6-моддасида шундай дейилади: «Прокуратура ва ҳуқуқни му- хофиза қилувчи бошқа органлар таби- атий муҳофиза қилиш тўғрисидаги қо- нунлар бузилишини, табиятин муҳофиза қилиш тадбирлари бажарилмаслигини фактларига қарши кескин қоралар кўр- синлар...». Ушбуни биз шунчаки келтири- ганмиш йўқ. Тошкент шаҳар прокурату- расининг раҳбарлиги, қолаверса кунин кеча шаҳар ижроия комитетига тузил- ган «Табият ва атроф-муҳитни муҳофа- за қилиш комитети» иложи борича юқо- ридаги масала юзасидан қатъий қора- лар кўрадилар, деган умидимиз. Ахс ҳолда кеч бўлади. Салориннинг қисмати Бўзсувнинг бошқа камарларида рўй бермасин.

Албатта, гапни шу ерда ҳам тўхта- са бўларди.

Лекин бизни ўйлантираётган ҳам, ташвишлантираётган ҳам бошқа нарсас. Нима учун биз доно касалининг олди- ни олиш ўрнига бирор бир фавқуллода ҳодиса бурилиши кутамиз. Ўшадиганча шовқин-сурон кўтарамиз. Бу биринчи- дан. Иккинчидан нима учун биз доно аябдорни «четдан қидирамиз!» бунда аянинг ҳам айбми бормикин!» деб ўзимизга ўзимиз савол бермаймиз. Агарда томонимиздан чакла туғулган бўлса ёки канализация трубабига бирор нарс- са тикилиб қолгудек бўлса бутун ў- жойдан фойдаланиш бошқармаси — ЖЭУни, ҳаттоки район ижроия комите- тини оёққа тургазмиз, редакцияга ўн мартадан бўлса ҳам қўнғирок қилимиз. Аммо иш умуминики, халқиникига кели- либ тақалганда Бефарқиз, менга ни- ма, деб қўл силтаймиз. Шу ўринда бир мисол келтиришмоқчиман: ун курун ре- дакциямизга Юнусбодда яшовчи қа- зетхонларимиздан бири қўнғирок қилад: — Фаррошлар ҳазонларини тўпплаб, шундоқ уймақининг тағида ёқиб кетяп- ти, Туттун юқори қаватларга ўриб, на- фас ололмаймиз, — деди у куюниб.

Фаройиб салон

ПАРИЖ. Франция пойтахти яқиндаги «Бурже» кўрғазмалар комплексидида очилган уй ҳайвонлари учинчи халқаро салонининг гайри оддий экспонатлари — аквариумда боқилган хилма-хил балқилар, дангаси олмагонлар, чиройли мушуклар, хилма-хил, баъзан гоёт кам учрайдиган зотли итлар, тиниб-тинчимас тўти-кушлар ва канарейкалардан иборат. Салонда уй ҳайвонларини етиштириш ва уларнинг селекцияси билан шуғулланувчи турли компаниялар, дунёдаги ўнлаб мамлакатлардан кичик биродарларимиз дўстларини бирлаштирувчи клублар кўпайтирмоқда.

20 минг квадрат метрдан кўпроқ майдондаги улкан павильонларда минглаб ҳайвонлар жойлаштирилган. Улар кўп оилаларда садоқатли ҳаёт йўлдошларидир. Салонни турли ёш ва касбдаги одамлар келиб кўрмоқда, уларнинг орасида болалар айниқса кўп. Салонга қизиқиш жуда катта. Бу тасофиф эмас, чунки Францияда, масалан, ҳар оиладан бири ит ёки мушук боқадим, кушларни асрайди, аквариумларда балқ қўнайтиради.

Салон доирасида кинсон ва уй ҳайвонларининг «қўзаро муносабатларига», ёш авлоднинг тарбиясида ҳайвонларнинг ролига бағишланган кўп сонли «давра суҳбатлари», конференциялар, семинарлар, мунозаралар ўтмоқда.



Шаҳримиз театрларида

Муқимий номидаги ўзбек Давлат музикали театрида Ю. Марцинкявичюснинг «Сўнамас аланга» музикали драмасынинг премьераси бўлиб ўтди. Спектаклнинг музикасини бастакор Мустафо Бафоев ёзган. Режиссёр Рустам Бобононов пьесанинг асл моҳиятини саҳнада тўғри талқин қила олган. Спектаклдаги ролларни Ўзбекистон ССР халқ артисти Маҳмуджон Ғофуров,

Райхон Тўраева, Насриддин Рустамов, Зулайхо Бойхонова, Собиржон Раҳимжонов, Рустам Маъдиев ва бошқа санъаткорлар ижро этмоқдалар.

Спектаклнинг асосини эзгуликнинг ёвузлик устидан ҳамisha ғолиб келиши гоёси эгаллайди.

© СУРАТЛАРДА: спектаклдан лавҳалар. Р. Шарипов фотолари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ!

Агар сиз квартирангизда суяш, оқлаш, мойлаш, обойлар ёпиштириш сингари ремонт ёки бошқа қурилиш ишларини (ишт тегиш, дурадгорлик ремонт ишлари) амалга оширишни истасангиз ва бу ишларни ўзингиз мустақил амалга оширолмасангиз

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг ўқув-курс комбинати

қисқа муддатда, арзонмаган ҳақ тўлаш эвазига, сиз учун энг қулай вақтда юқоридаги ремонт ишларини ўргатиб олишда

СИЗГА ЕРДАМ КЎРСАТИШИ МУМКИН.

СИЗ БУ ЕРДА ҚУНИДАГИ КАСВЛАРНИ ЭГАЛЛАБ ЧИҚИШИНИНГ МУМКИН: иротехника тўпонча-асбоби оператори (бетон саҳнага миклар қўриш — учун), газ-электр пайвандчи.

Визинг адрес: Тошкент шаҳри, Ойтепа майдони, Ғ. Ғулом кўчаси, 6-уй. Телефон 78-05-15.

Тошкент шаҳридаги ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» шаҳар китоб савдоси идорасининг ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиши муносабати билан

корхоналар ва ташкилотларга буюртмалар бўйича тадбирий хизматлар кўрсатиш

КАЛЬКУЛЯЦИЯГА БИНОАН ПУЛ ТўЛАНГАН ҲОЛДА

АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

ХИЗМАТ КИТОБ МАҒАЗИНЛАРИНИНГ АССОРТИМЕНТИГА ҚАРАБ КЎРСАТИЛАДИ.

«ТАШКНИГА» шаҳар китоб савдоси идораси.

Тошкент шаҳрида жойлашган республика давлат-профилатика муассасалари, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг илмий-тадқиқот институтлари, бошқа министрлик ва идоралар муассасаларининг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

МАРКАЗИЙ ХЎЖАЛИК ХИСОБИДАГИ «ЎЗМЕДТЕХНИКА» БАЗАСИ

1990 йилда медицина техникаси жонхоналари учун

БЎЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюртмалар 1988 йилнинг 20 ноябрга қадар қабул қилинади. Тошкент шаҳри, «Геофизик» посёлкиси.

Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалик вазирлигининг

«ЎЗЛАВКОМУНАЛ ДРЕНАЖ» БОШҚАРМАСИ ТУГАТИЛАДИ

Даволат эълон чиқариш кўндан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Визинг адрес: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 1-туши, 7-уй. Телефон: 55-84-60.

ТОШКЕНТ БОЛАЛАР ТЕМИР ЙЎЛИ
5—8 СИНОФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ

тепловоз машинисти ва унинг ёрдамчиси, темир йўли моделиштириш, одам ташини жараёнини бошқариш, йўл ва йўл хўжалиги, вагон хўжалиги, фотограф, радист, моҳир қўллар, металлга соғуқ ишлов бериш, «Егоч ўймакорлиги амалий санъати», темир йўл транспорти алоқачиси ва марказий бюро алоқачиси, бадий керамика, «ИЗО» санъати, духовой оркестр, бадий ҳаваскорлик, китобсаварлар, жамоатчи инструкторлар, ёш табиатшўнос, машинист ва унинг ёрдамчиларини тарбиялаш тўғрисидаги, спорт секцияларига

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Қабул 10 ноябргача ўтказилади.

Визинг адрес: Тошкент шаҳри, Ленин комсомоли номидаги Марказий маданият ва истироҳат боғи. (2, 3, 6, 7, 12, 14-троллейбуслар; 73, 113, 13, 95-автобуслар). Телефонлар: 32-45-45, 45-39-52).

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА
ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСВГА
ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ



ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТРАНСПОРТ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИНИНГ РЕМОТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА:

токарлар, йўл қурилиши машиналари ремонт бўйича слесарлар, газ электр пайвандчилар, ЖКО слесар, сантехниклари.

Хизмат автобуси қатнайди.

«ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» ИШЛАВ ЧИҚАРИШ БИРЛАШ-МАСИГА:

газ-электр пайвандчилар, ремонтчи-слесарлар, сантехник йиғувчилар, соловчилар, штамповкачилар, токарлар, фрезерчилар, силниловчилар, формовкачилар, пармаловчилар, стеренчилар, электр монтерлар, механик, механик-энергетик, ишлаб чиқариш мастери, инженер-технологлар.

СИНТЕТИК КИР ЮВИШ ВОСИТАЛАРИ ЗАВОДИГА:

сменалар бошлиқлари, электрчилар, контроль ўлчов асбоблари ва автоматика соловчи-слесарлари, қадқлаш-жойлаш, босма жонхоналар машиналари соловчилари, ремонтчилар, сантехника системалари ва асбоб-ускуналар монтажчилари; бош энергетик ўринбосари, катта табиелчи, кассир, машинистка, бухгалтер-иқтисодчи, нусхаловчи.

ПАХТА ТОЗАЛАШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИХТИСОС-ЛАШТИРИЛГАН КОНСТРУКТОРЛИК БҮРОСИГА:

асбоб-ускуналар, механик-йиғув ишлари бўйича слесарлар; токарлар, юк ташувчилар, таъминот бўлимига группа раҳбари (иқтисодчи), план-ишлаб чиқариш бўлимига катта иқтисодчилар.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВ-ДОСИ БЎЛИМИГА:

моддий қимматлар билан ишлаш амалий тажрибасига, олий ва ўрта савдо маълумоти билан намида беш йиллик иш стажига эга бўлган, ёши қирдан ошмаган магазин мудирлари.

АХБОРОТ ВА ИШГА ҲУЛЛАМА УЧУН ҚУЙ-ДАГИ АДРЕСЛАРГА — АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙ-ЛАШТИРИШ БҮРОЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИ-ЛИНИНГ:

Марказий бюро — Комсомолтар проспекти 8-уй. Акмал Икромов району — Фарҳод кўчаси, 21-уй. Киров району — Энгельс кўчаси, 48-уй. Куйбишев району — К. Маркс кўчаси, 59-уй. Ленин району — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй. Октябрь району — У. Юсупов кўчаси 3-уй. Собир Раҳимов району — Қорасой кўчаси 270-уй. Сергели району — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй. Фрунзе району — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй. Ҳамза району — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй. Чилонзор району — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй. Улутбек посёлкиси — К. Маркс кўчаси, 1-уй.

Бир ўринга тўрт даъвогар

У қайси коллективга насиб этаркин?

Ўтган жума кун «Пахтакор» Марказий стадионида мамлакат 51-чемпионати биринчи лига коллективларининг Тошкентдаги сўнгги учрашуви бўлиб ўтди. Унда майдон эгалари Ўзбекистон «Карпати» АСК футболчиларини қабул қилишди.

Командадлар матчини қуйидаги составда бошлашди: «Пахтакор»: Яновский, Ковшов (Нортониев), Виллов, Қосимов, Денисов, Постнов, Бондаренко, Пятницкий, Синелобов (Кокучов), Абдураимов (Тошев), Кабаев «Карпати»: АСК: Березный, Гамалий, Костик, Вайтхил, Аверьянов, Смотров, Юрченко, Гий, Строчак, Лендель, Медвидь.

Ростовлик бутуниттифоқ тоифасидаги судья И. Тимошенковнинг ҳушга чалиниши билан пахтакорчилар бошлаган ҳужум муваффақиятли якунланди. Чап қанотдан дадил олдинга ташланган Синелобов тўпни усталик билан Абдураимовга узатиб берди. Абдураимовга узатиб берди. Азамат эса қулай имкониятни бу гал бой бермади. Тўп дарвоза тўрига бориб тушди, ҳисоб — 1:0.

Голдан руҳланган тошкентликлар ҳамлашни кучайтиришди. 20-минутда дарвоза тўрига рақибларини ноҳус ҳолатдан қўтарди. Қураш бошиданоқ ҳамюртларимизнинг фақат галаба қозониш ниятида майдонга тушганлари яққол сезилган эди. Ўттиз бешинчи минутда меҳмонлар ўз жариима майдони яқинида қойдани бузишга мажбур бўлишди. Тимошенко жарима тўпи тепилдиган жойни кўрсатди. Денисов зарб билан тепган тўпни армиячилар қўриқчиси қайтаришга оқинали қилди. 2:0.

Қўриқилган командалар шу ҳисоб билан танаффусга чиқишадигандек эди. Аммо ундай бўлмади. Биринчи бўлим тугашига бир минут қолганида Азамат командадошларининг ҳаракатини зое кетказмади, мўлжални аниқ нишонга олди. 3:0.

Галаба нақдиги яққол сезилган, иккинчи бўлимда пахтакорчилар анча эркин ўйнай бошлашди. Шунда ҳам дарвозани нишонга олиш су-саймади. Эллик тўртинчи минутда львовлик химоячилар Постновни ўз жариима майдончалари ичидан чашиб йиқитишди. Учрашув ҳақами ўн бир метрлик белгини кўрсатди. Буни ҳам Абдураимов аниқ амалга оширди ва бир ўйинда уч гол уриб, футбол тили билан айтганда, «хет-трик»ни тасдиқлади. Иккинчи галабага эришадиган лиқларидан руҳланган йигитлар ҳужумни бушақтирмай яна бир зафар қўчишди. Постнов етмиш еттинчи минутда ҳисобни 5:0 га етказди.

Матч тугади. Пахтакорчилар тўплаган очколар сон 52 тага етди. Кетма-кет эришилган галабалар ишқибозларнинг умид чирогини ўчирмай келяпти. Энди «охирги иккинчи тур «Пахтакор»га нима бераркин» деган савол ўзбекистонлик футбол мухлисларини қизиқтиряпти. Бу

Р. БОБОМУХАМЕДОВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА
ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Совутич-компрессор қурилмаларидан фойдаланиш бўйича дирекция ҳузуридаги

«ЛУЧ» КООПЕРАТИВИ

— совутич қурилмалар ва ҳавони совутиш система-ларидан фойдаланиш;

— совутич қурилмалар ва вентиляция системалари бўйича (контроль ўлчов асбоблари ва электрни ҳам қў-шиб) ишга тушириш ишларини амалга ошириш;

— электр жиҳозларини ўрнатиш ва капитал ремонт қилиш учун

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

Рўзгор кондиционерларининг носозлигини тугатиш ва майда ремонт рўзгор холоидильникларини ремонт қи-лиш, квартираларини ремонт қилиш ишларини

АМАЛГА ОШИРАДИ

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳ-ри, 78-алоқа бўлими, Намойишлар хиббони, 5-уй. Теле-фон: 39-48-21.

Уй бекалари, сиз ҳам дам олинг!

Аксарият уй бекалари байрам қуналари ҳам дам олишмайди ошхонада қовириб, пиширишади, нон ёпиша-ди...

УЙ БЕКАЛАРИ! Сизларни биз оила аъзоларингиз билан дам олгани тақлиф қиламиз.

Куйбишев район ошхоналар трестининг пазанда-лари ва қандолатчилари эса сиз учун турли таомлар ва ширинликлар тайёрлаш учун зарур масаллиқларни, хамир масаллиқларини ҳозирлайдилар. Уларни сиз


2, 3, 5, 6 НОЯБРЬ КУНЛАРИ

СОАТ 12 ДАН 17 ГАЧА

ПУШКИН КЎЧАСИДА («Воалар дунёси»
магазини олдида) ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН

САВДО-КЎРГАЗМАДАН

ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.



КУЙБИШЕВ РАЙОНИ ОШХОНАЛАР ТРЕСТИ
(телефон 67-75-13).

«Совторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг

Ўзбекистон агентлиги.



МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗ-БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 2/ХI да Ака-ука совчилар, 3/ХI да Олиффа.



1 НОЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Сават саройи — «ҚОРА КЎЗЛАР» (18.30, 20.45); «СЕВГИ АФСОНАСИ» (Ўзбек тилида, 17, 19.30).

Нукус — «МАЮРИ» (18.30, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йил-лиги — «СЎЗЛАШУВ» (18.30, 20.45).

Москва — «ТАҚИҚЛАНГАН ЗОНА» (тоқ соатларда ва 20.45 да).

Ватан — «МАЮРИ» (18.30, 20.45).

ВЛКСМ 30 йиллиги номли — «КУЛРАНГ СИҚОН» (жуфт соатларда).

Чайка — «МАЮРИ» (18.30, 21.00).

2 НОЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Сават саройи — ҚОРА КЎЗЛАР» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45); «СЕВГИ АФСОНАСИ» (Ўзбек тилида, 12, 14.30, 17, 19.30).

Нукус — «МАЮРИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45);

Тошкент Советининг 50 йил-лиги — «СЎЗЛАШУВ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45);

Москва — «МУҲАББАТ ҚУД-РАТИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.40).

Ватан — «МАЮРИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45);

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ТА-ҚИҚЛАНГАН ЗОНА» (жуфт соатларда).

Чайка — «МАЮРИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00);

АВТОМАТ-ЖАВОБ ВЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР:

Сават саройи — 44-39.51.

Чайка — 77-06.20.

Тошкент Советининг 50 йиллиги — 78-47.25.


Қозғоғистон — 35-24.92.

Москва — 68-68.81.

Ватан — 74-30.38.

Восток — 91-14.61.

Дружба — 67-98.87.



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИР-КИДА — Москва цирки ар-тистарининг хайрлашув гас-торлари — 2, 3, 4/ХI да 19.30 да.

Тошкент шаҳар «иқроия комитетининг граждандарга хизмат кўрсатиш бошкар-маси коллективни бошқар-ма бошлигининг ўринбосари В. А. Зиялхўжаевага ораси

Меҳри ЗИЯЛХЎЖАЕВНИНГ вифот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ

Ўзбек ва рус тилла-рида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбе-кистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қи-зил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ

АДРЕСИ:
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлиmlар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет нури-лиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноят, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маъиш хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тар-бияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; ҳатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчиликни тарбиялаш — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.